

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХИММАТАЛИЕВ ДЎСТНАЗАР ОМОНОВИЧ

**КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ДИАГНОСТИКА
ҚИЛИШДА ПЕДАГОГИК ВА ТЕХНИК БИЛИМЛАР
ИНТЕГРАЦИЯСИ**

(Техника олий таълим муассасаларининг “Касб таълими”
йўналишлари мисолида)

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Химматалиев Дўстназар Омонович

Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик
ва техник билимлар интеграцияси

Химматалиев Дустназар Омонович

Интеграция педагогических и технических знаний в диагностике
подготовки к профессиональной деятельности

Khimmataliev Dustnazar Omonovich

Integration of pedagogical and technical knowledge in the diagnosis of
training for professional activities.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХИММАТАЛИЕВ ДЎСТНАЗАР ОМОНОВИЧ

**КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ДИАГНОСТИКА
ҚИЛИШДА ПЕДАГОГИК ВА ТЕХНИК БИЛИМЛАР
ИНТЕГРАЦИЯСИ**

(Техника олий таълим муассасаларининг “Касб таълими”
йўналишлари мисолида)

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1. DSc/Ped 23 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алихонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Мардонов Шукурулла Қулдошев
педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳакимова Мухаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Бухоро муҳандислик-технология
институти**

Диссертация ҳимояси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.Ped/P.48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ кунни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17; e-mail: moqt@markaz.uz)

Докторлик диссертацияси билан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ кунни тарқатилди
(2018 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

З.К.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида замонавий таълим муҳити улкан макротизимдан иборат бўлиб, ўзининг миқдорий ва сифатий ҳолатлари бўйича бир-биридан фарқ қилувчи виртуал ва реал педагогик тизимлар интеграциясини акс эттиради. Хусусан, Европа иттифоқи ва ЮНЕСКО ташкилотлари томонидан қабул қилинган Сорбон декларацияси (Sorbonne Declaration) ҳамда касбий малакалар тўғрисидаги Лиссабон Конвенцияси (Convention on the Recognition of Qualification concerning Higher Education in the European Region) олий таълимда интеграцион жараёнларнинг жадал ривожланишига катта ҳисса қўшди. Мутахассисликларнинг малака талаблари ва таълим интеграцияси қамров доираларини кенгайтириш мақсадида универсал таълим концепцияларига асосланган фундаментал педагогик-касбий мегатузилмалар яратиш ва таълим олувчиларнинг касбий компетенцияларининг шаклланганлик даражаларини тадқиқ этиш долзарблигича қолмоқда.

Халқаро тажрибаларга кўра табиий, техник ва ижтимоий фанлар билан ишлаб чиқариш тузилмаларининг узвий алоқадорлигини чуқурлаштириш таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, касб таълими назарияси ва амалиёти тенденциясини янада ривожлантиришда инновацион касбий салоҳият элементларининг уйғунлиги ва узвийлигини таъминлаш асосида таълимнинг интегратив ташкилий функциясини янада кенгайтириш, таълим шакллари ва методларини модернизациялаш, шахсий ва касбий муҳим сифатларни шакллантириш каби интеграцион жараёнлар муҳим ўрин тутди. Бу эса педагогик ва техник билимлар интеграцияси асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш натижаларини педагогик диагностик усуллар билан текшириш ва аниқланган муаммолар бўйича тегишли методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва таълим интеграциясининг дидактик имкониятларини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия мазмунини фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви асосида шакллантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим хизматларининг мавжудлиги ва самарадорлигини ошириш”¹ ва “зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш”² каби устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда таълим олувчиларда яхлит ва тизимли интегратив билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва таълим натижаларини диагностик баҳолаш муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – № 6 (766)-70-модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 38.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. <http://uz24.uz>

тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003-сонли “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида мултидисциплинар таълим комплексларининг методологик асосларини яратиш, интеграцион-дивергент жараёнлар кетма-кетлигини таъминлаш, интегратив билим олишнинг тизимли моделларини ишлаб чиқиш ва бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини диагностика қилиш усуллари такомиллаштириш борасида дунёнинг Massachusetts University (АҚШ), Belfield Pedagogical University (Германия), National Advice on Pedagogical Technology (Англия), Seoul Cyber University (Жанубий Корея), Центр педагогических технологий (Россия), Республика қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (Ўзбекистон) каби нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда тадқиқот муаммосига оид қатор муҳим илмий натижалар олинган. Бўлажак мутахассисларда тизимли таҳлил қилиш

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи www.myhomelatvia.com/se/novosti/index; www.jurnal.org/articles/2008/ped9.html; <http://iibrary.by/portalus/modules/pedagog-ics/>; www.duskyrobin.com/Z2005-01-00045.pdf (Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). Jacqueline S.Goldberg, Bryan R.Cole, Quality Management in Education: Building Excellence and Equity in Student Performance. QMJ Vol. 9, № 4 / 2002, ASQ; El-Khawass E. Accreditation's role in quality assurance in the United States // Higher Education Management, November 1998. Vol.10, №.3. p.43-56; Harvey L. External quality monitoring in the market place // Tertiary Education and Management. Vol.3, № 1 / 1997. p. 25-35.; Westerheijden D.F. Systems of quality assessment in European higher education:paper ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

кобилиятини шакллантиришга қаратилган билимларнинг интеграллашган тизимини татбиқ этиш ва диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Massachusetts university); ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари асосида бўлажак мутахассисларнинг касбий имкониятларининг ривожланганлигини интегратив технология асосида баҳолаш тизими яратилган (Institute named after Frisca Bauer); касб таълим жараёнини предметлараро интеграция асосида ташкил этиш бўлажак ўқитувчиларни касбий интеллектуал ва психоэмоционал ривожлантириш ва унинг баҳолаш технологияси ишлаб чиқилган (National Advice on pedagogical technology); гуманитар ва техник циклдаги предметларнинг фанлараро ўзаро таъсирлашувининг назарий асослари ва амалий фаолиятга қўлланилиши диагностика қилинган (Seoul Cyber University); интегратив лойиҳалаштириш тамойиллари ва миқдорий-сифатий ёндашув контекстида ўқитувчи ва талаба фаолиятини лойиҳалаштириш алгоритми ишлаб чиқилган (Центр педагогических технологий); республика таълим тизимида замонавий ресурстежамкор технологияларни қўллаш асосида интеграцион жараёнлар механизми ишлаб чиқилган ва меҳнат бозорида бўлажак мутахассисларга бўлган реал талаб ва эҳтиёжлар кўрсаткичларини комплекс диагностика қилиш йўналишлари жорий қилинган (Республика кишлок хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касб таълими жараёнида предметлараро боғланиш, интеграциянинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни интегратив таълим асосида касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари ҳамда касбий тайёргарликни педагогик диагностикаси қилишнинг назарий, концептуал ва технологик асослари Р.Х.Джураев, А.Р.Ходжабаев, У.И.Инояттов, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Э.О.Турдиқулов, М.Б.Ўрозова, Ж.А.Ҳамидов, М.Тошов, О.А.Абдуқуддусов, М.Жуманиёзова, Р.А.Мавлонова¹ ва бошқаларнинг ишларида муайян даражада тадқиқ қилинган.

Педагогик интеграция ва таълимда интегратив ёндашувни таъминлашнинг назарий-методологик ва педагогик диагностиканинг концептуал ва технологик асослари бўйича МДХ мамлакатлари олимларидан Е.А.Михалычев, О.А.Абдулина, С.Я.Батышев, В.С.Безрукова, А.П.Беляева,

¹ Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс...док.пед.наук.– Т.:1995.- 43 с; Ходжабаев А.Р. Учебно-методический комплекс подготовки учителей трудового обучения.Метод. реком.– Т.:УзНИИПИ,1989. -93 с.; Инояттов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2003. – 327 с.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Дисс. ... пед. ф. д. – Т.:2007. – 315 б.; Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари: Дис. ... пед. фан. докт. – Тошкент: 2005. – 286 б.; Турдиқулов Э.О., Джураев Р.Х. ва бошқалар. Интеграциялашган таълим назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Сано-стандарт, 2009. – 176 б.; Ўрозова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳала фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. пед. фан.докт. дисс.... автореф. – Тошкент: 2015.; Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. -Тошкент, 2017.; Тошов М.Ж. Педагогика коллежлари таълими жараёнида педагогик интеграциянинг мазмуни ва тузилмасини таъминлаш. Дисс. ... пед. фан.номз. – Тошкент, 2012. – 139 б.; Абдуқуддусов О. Касб таълими ўқитувчилари тайёрлашга интегратив ёндашув. – Т.: Фан, 2005, - 157 б.; Жуманиёзова М. Физика ўқитишда интеграллашган билимлар ваулардан фойдаланишнинг услубий асослари (физика ва астрономия ўқув материаллари асосида): Пед.фан.номз. илмий даражасини олиш учун ўзилган дисс. автореф. –Т.: 2007. -18 б. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. – Методик қўлланма. –Т.: ТДПУ, 2005. -109 б.

М.Н.Берулова, Э.Ф.Зеер, Ю.М.Измайлова, П.Ф.Кубрушко, В.П.Косырев, Н.В.Кузьмина, В.С.Леднев, О.Д.Листунов, В.А.Сластенин, В.Т.Сопегина, Н.К.Чапаев¹ ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда Г.Спенсер В.F.Skinner, А.Blum, J.Gilbert, J.Fernandez-Balvoa, S.Merriam, S.Wilson, R.M.Gagne, D.E.Berlen, S.Jones, P.Black² каби олимларнинг тадқиқотларида таълимда интеграцион жараёнлар, фанлараро интеграция ва интегратив таълим натижаларини диагностика қилиш масалалари илмий-педагогик жиҳатдан асослаб берилган.

Олий таълим муассасаларида касб таълими жараёнида предметлараро боғланиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни интегратив таълим асосида касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари, касбий тайёргарликнинг педагогик диагностикаси назарий, концептуал ва технологик асослари муайян даража ўрганилган бўлса-да, касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясининг дидактик имкониятлари, интегратив ёндашув асосида ўқитишнинг ўқув-услугий таъминоти ҳамда уни педагогик диагностика қилишнинг илмий-услугий асосларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш зарурати тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Суғориш

¹ Абдуллина О.Л. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования: для пед. специальностей высших учебных заведений. – 2-изд., перераб. и доп. – М.: Просвещение, 1990. – 141 с.; Батышев, С.Я. Подготовка инженеров-педагогов – проблема комплексная / С.Я. Батышев // Профессионально-техническое образование. 1996. - №3. – С.52-53.; Безрукова В.С. Интеграционные процессы в педагогической теории и практике. - Екатеринбург, 1994. – 152 с.; Беляева, А.П. Интегративная теория и практика многоуровневого непрерывного профессионального образования / А.П.Беляева. – СПб: Ин-т профтехобразования РАО, 2002. – 240 с.; Берулова М.Н. Интеграция общего и профессионального образования. // Советская педагогика. 1990. -№ 9- С.57-60.; Зеер, Э.Ф. Психология профессионального образования / Э. Ф. Зеер. – М.: Издательство Московского психолого-социального института; Воронеж: Издательство НПО «МОДЕК», 2003. – 480 с.; Измайлова, Ю.М. Интеграция теоретических и практических психолого-педагогических знаний как средство совершенствования профессиональной подготовки будущих инженеров-педагогов: Дис. канд. пед. наук / Ю.М. Измайлова. - Саратов, 2006.- 173с.; Кубрушко П.Ф. Содержание профессионально-педагогического образования / П.Ф.Кубрушко. – М.: Высш. шк., 2001. – 236 с.; Косырев В. П. Методическая подготовка инженеров-педагогов / В.П.Косырев. – М.: МГАУ им. В.П.Горячкина, 2003. – 144 с.; Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения / Н.В.Кузьмина. – М.: Высшая школа, 1990. – 117 с.; Леднев, В.С. Содержание образования / В.С. Леднев.– М.: Высшая школа, 1999. – 360 с.; Михайлычев, Е.А. Теоретические основы педагогической диагностики: Автореф. Дисс.... д-ра пед. наук / Е.А. Михайлычев. - Бухара, 1991. – 401с.; Сластенин В.А. Педагогика: учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. – М.: 2000. – 512 с.; Сопегина В. Т. Интеграция педагогических и специальных дисциплин при подготовке мастеров производственного обучения. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Екатеринбург, 2012. – 26 с.; Чапаев Н.К. Теоретико-методологические основы педагогической интеграции: Автореф. Дис. .. докт. пед. наук. / Н.К.Чапаев – Екатеринбург, 1998.

² Спенсер Г. Основания психологии. –М.: ООО «Издательство АСТ-ЛТД»,1998.- С.560.; Skinner B.F. The technology of Teaching. – New York, Appleton. Centery Grofts, 1968.; Gilbert J. (2004). The model for the development of teachers' (p. 258-278). New York: Routledge Falmer.; Fernandez-Balvoa J., Stiehl J. (1995). The general nature of the pedagogical content knowledge among college professors. Education and teacher education, 11 (3), 293-306. ; Merriam S. (1998). Qualitative research and case study applications in education (2 - ed.). San - Francisco, CA: Jossey-Bass.; Wilson, SM, Shulman, LS, & Richert, AE (1987). '150' different ways of knowing: Knowledge representation in the learning process. In J. Calderhead (Ed.). Studying thinking teachers (pp. 104-124). London: Cassell.; Blum A. The development of an Integred Science Curriculum. Information Scheme Fur. // Science Education 1981, vol. 3, - p. 1-15.; Gagne R.M. The condition of learning / Yolt, Rinehart and Winston – New-York, 1965.; Berlen D.E., Jones S. The integration of science the maths: Early childhood and middle school levels. // School science and maths. – 1987, vol.87, w 4, p.271-273.;

сувини тежайдиган технологиялар, гидромелиоратив тизимлардан самарали фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яшиланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси ва Жиззах политехника институтининг ОТ-Ф1-049 “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграциясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

техника олий таълим муассасасида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий фаолият тузилмаси элементларини таҳлил қилиш ва уларнинг мазмунини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш;

педагогик ва техник билимлар асоси сифатида фанлараро интеграция, педагогик ва махсус фанлар интеграцияси мазмуни ва даражаларини аниқлаш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетенцияларини ривожлантириш;

касб таълимида педагогик ва техник билимлар, интеграцион-педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусияти ва замонавий тенденцияларига таянган ҳолда умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва амалиётда жорий этиш;

касб таълими йўналишлари талабаларининг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини педагогик диагностика қилиш усулларини тадқиқ этиш ва объектив баҳолаш мезонларининг ташкилий-функционал имкониятларини кенгайтириш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг малака талаблари ва касбий-педагогик тайёргарлик даражаларини интеграциялаш асосида касбий фаолиятга тайёрлаш концепцияси мазмунини такомиллаштириш ва амалга татбиқ этиш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини умумкасбий ва ихтисослик фанлари мазмуний базасида касбий фаолиятга тайёргарлигини диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва олинган натижаларга математик-статистик қайта ишлов бериш.

Тадқиқотнинг объекти техника олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик ва техник билимлар интеграцияси жараёнини ташкил этишнинг мазмуни, шакл ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога оид илмий манбалар, дидактик материаллар, ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий хужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш: суҳбат, кузатиш, анкета ва тест ўтказиш,

моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; психодиагностика; тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диагностик мезонлар ва педагогик воситаларни интеграциялаш асосида уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолият тузилмаси элементлари (мантикийлик, инновационлик ва ўз-ўзини бошқариш) мазмуни такомиллаштирилган;

бўлажак мутахассисларнинг шахсий ва касбий муҳим сифатларини шакллантириш босқичларини классификациялаш асосида назарий, амалий, илмий-тадқиқот тайёрлов йўналишлари бўйича мобиллик, рефлексивлик, интегративлик каби компетенцияларни ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

компетенциявий талабларнинг параметрлари ва сифат кўрсаткичлари мажмуи бўйича педагогик ва техник билимлар интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда ўқув-услугий таъминотини оптималлаштириш асосида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

эксперт баҳолаш мезонларини белгилаш ва уларнинг объективлик, интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби ташкилий-функционал имкониятларини тизимлаштириш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини педагогик диагностика қилиш усуллари (специфик таҳлил, интенсив тренинг, муаммоли вазият, ностандарт тест) такомиллаштирилган;

олий таълим касб таълими йўналишлари битирувчилари малака талаблари ва уларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражаларини ташхислашнинг аналитик, лойиҳалаш ва прогностик компонентлари функцияларини интегратив мувофиқлаштириш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш концепцияси мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

техника олий таълим муассасалари 5111000 – “Касб таълими” йўналишлари талабалари учун “Касбий педагогика”, “Касбий таълим методикаси”, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан намунавий ўқув дастурлари ва “Битирув малакавий ишини бажариш” ва “Педагогик, битирув олди амалиётини ўтказиш” бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг педагогик касбий фаолиятга тайёргарлигини диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграциясини таъминлаш бўйича “Касбий фаолиятга тайёргарлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси”, ҳаммуаллифликда “Модулли ўқитиш технологияси имкониятларидан фойдаланиш”, “Касб-ҳунар таълими тизимининг ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда инновацион таълим технологияларининг аҳамияти”

номли монографиялар ва “Умумкасбий фанлардан изоҳли луғат” ҳамда “Амалий касбий таълим методикаси”, “Касбий педагогика” ва “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанлари бўйича электрон ўқув қўлланма дастурлари каби ташкилий дидактик таъминот ишлаб чиқилган;

касб-хунар коллежларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича “Касб-хунар таълими тизимининг ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацион таълим технологияларини қўллаш” ва “Автомобиль ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш” фанидан модулли ўқитиш технологияларини қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган интегратив ёндашув, мазмуни, усуллари, воситалари, даражаларива назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш концепцияси, компетенциявий талабларнинг параметрлари ва сифат кўрсаткичлари мажмуи, диагностик мезонлар ва педагогик воситаларни интеграциялаш асосида уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш орқали касбий фаолият тузилмаси элементларининг ташкилий-функционал имкониятлари, педагогик ва техник билимлар интеграцияси асосида ўқитиш ва касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси олий таълим муассасаларида интегратив ёндашув асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бўлажак ўқитувчиларни педагогик ва техник билимлар интеграцияси асосида педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш воситалари ва касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишнинг баҳолаш мезонлари ва усуллар тизими касб-хунар таълими тизимининг ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагогик ва техник билимлар интеграциясини чуқурлаштириш, касбий фаолиятга тайёрлашда инновацион таълим технологияларини қўллаш ва педагогик ва техник билимлар интеграцияси асосида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси ва ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси олинган илмий натижалари асосида:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини аниқлашнинг оптималлаштирилган лойиҳалаш, ташкилий, коммуникатив, баҳолаш-аналитик ва гностик компонентлари мазмунидан ва эксперт баҳолаш мезонларининг объективлик, интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби ташкилий-функционал имкониятларидан 2014 йил 12 августда “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган олий касбий таълимнинг 1-2570 сонли Давлат таълим стандарти талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 мартдаги 89-03-1118-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар педагогик вазифаларни ҳал қилишда таълим натижаларини диагностика қилиш, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштиришнинг зарур даражаларини аниқлаш бўйича педагогик муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади;

педагогик диагностик мезонлар ва воситаларни интеграциялаш орқали уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчисининг компетенциявий талаблари ва сифат кўрсаткичлари мажмуи ва касбий фаолият тузилмаси элементларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 29-сон буйруғи билан тасдиқланган 5111000-Касб таълими (5450200-“Сув хўжалиги ва мелиорация”, 5450400-“Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш”, 5410700-“Ер тузиш ва ер кадастри”) бакалаврият йўналишларининг малака талаблари ва “Касбий педагогика”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Касбий таълим методикаси” ва “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанларидан ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 мартдаги 89-03-1118-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида умумкасбий ва ихтисослик фанлари билимларини интегратив ёндашув асосида тақдим этишга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003-сонли “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридаги белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим касб таълими йўналишлари битирувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлик даражаларини педагогик ташхислашнинг ташкилий функцияларини интеграциялаш ҳамда шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш босқичларини классификациялаш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш концепцияси мазмуни такомиллаштирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 мартдаги 89-03-1118-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини интегратив ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг объективлик, интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби касбий-педагогик

тайёргарлик даражаларини педагогик ташхислашнинг аналитик, лойиҳалаш ва прогностик компонентлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 18 ноябрдаги 49-сонли “Олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион ҳамкорликни амалга оширишнинг ташкилий масалалари”га бағишланган махсус Ҳайъат йиғилиши қарори мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 мартдаги 89-03-1118-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар касб-хунар таълими ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга хизмат қилади.

олий таълим касб таълими тайёрлов йўналишлари битирувчиларининг педагогик ва техник билимлар интеграциясини таъминлаш орқали мобиллик, рефлексивлик, инновационлик ва интегративлик каби касбий компетенцияларини ривожлантириш механизми бўйича “Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси”, ҳаммуаллифликда “Модулли ўқитиш технологияси имкониятларидан фойдаланиш”, “Касб-хунар таълими тизимининг ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда инновацион таълим технологияларининг аҳамияти” номли монографиялар ва “Умумкасбий фанлардан изоҳли луғат” нашр қилинган, “Амалий касбий таълим методикаси”, “Касбий педагогика” ва “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанлари бўйича ўқув қўлланмада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 мартдаги 89-03-1118-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услугий таъминот бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг педагогик касбий тайёргарлигини диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграциясини чуқурлаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 80 тадан ортиқ илмий-услугий иш, жумладан, 3 та монография ва 1 та изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, шундан 8 таси хорижий ва 14 таси республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 230 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг

амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиш ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимларни интеграциялашнинг назарий-услубий асослари”** номли биринчи бобида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-педагогик асослари ва уларни тайёрлашга қўйиладиган асосий талаблар, касбий фаолиятга тайёрлаш сифати ва самарадорлигини диагностика қилиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш, касбий фаолиятга тайёргарликни педагогик ва техник билимлар интеграцияси асосида диагностика қилишнинг илмий-услубий асослари ёритиб берилган.

Педагогикадаги интеграция муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларида турли йўналишларда қараб ўтилган. Фанга илк бора киритилганидан бошлаб, то бугунги кунга қадар педагогик жараёндаги интеграция тушунча жадал ривожланди, турли шакл ва мазмунда ифода этилди, умумлаштирилди, мужассамлаштирилди ва мустакамланди. Интеграция тушунчаси таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишнинг мақсадлари, мазмуни ва тамойиллари бирлигини ифода этади. Педагогик интеграциянинг мазмун-моҳияти ўқув-тарбия жараёни элементлари (мазмуни, шакллари, методлари)нинг ўзаро бирлигини таъминлашдан иборат. Бу таълим функцияларининг кенгайиши (интегратив функция), инновацион таълим (интегратив таълим), таълим модернизацияси (интегратив технологиялар), таълим натижаси (шахс камолоти) орқали ифодаланади.

Бугунги кунда олимлар интегратив-педагогик концепциялар ҳақида, яъни у ёки бу соҳадаги интегратив-педагогик фаолият мазмуни ва йўналишини белгилаб берувчи тизимлаштирилган қарашлар, қоидалар ва ғояларнинг бирлиги тўғрисида сўз юритмоқдалар. Интегратив-педагогик концепцияларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга бевосита интеграцион жараёнларни тадқиқ этадиган концепциялар киради. Бу уларнинг номланишида ҳам ўз аксини топган. Масалан: умумий ва касбий таълим интеграцияси концепцияси; ўрта махсус, касбий таълим мазмуни интеграцияси концепцияси; меҳнат бозори ва таълимнинг ўзаро таъсири концепцияси; касбий таълимнинг очиклиги концепцияси; ижтимоий ҳамкорлик концепцияси; олий касбий таълим ва ўрта махсус, касбий таълим интеграцияси концепцияси; педагогик ва техник билимлар интеграцияси концепцияси; таълимни ташкил этиш шаклларининг интеграцияси ва дифференцияси концепцияси ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳга таълим-тарбия концепциялари киради. Уларда интегратив элемент ташқи жиҳатдан намоён бўлмайди, балки уларнинг жорий этилиши натижаси сифатида мужассамлашади.

Педагогик интеграциянинг функцияларини аниқлаб, унинг турли кўринишларига хос бўлган энг умумий ва ўзгармас(инвариант)

функцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтиш зарур. Олимлар педагогик интеграциянинг ўзгармас функциялари қаторига қуйидагиларни киритадилар: методологик, ривожлантирувчи, технологик функциялар. Улар маълум вазифаларни бажаришда педагогик интеграция фаоллигининг намаён бўлиши усуллари сифатида қаралади.

Тадқиқот ишида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлаш муаммоси кўрилаётганлиги боис касбий тайёрлашнинг илмий-услубий асослари сифатида 5111000 –Касб таълими (тармоқлар бўйича) йўналишлари ўқув режаси ва дастурлари мукамал таҳлил қилинди. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини педагогик интеграция асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг сифат ва самарадорлигини ошириш учун давлат таълим стандартлари, ўқув режаси ва дастурларининг тизимлилиги ҳамда изчиллигини таъминлашга эътибор қаратилди ва асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Касб таълими ўқитувчисининг муайян иш турлари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди: ишлаб чиқариш-техник ва кўрсатмавий-технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўқув ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, ускуналар ва технологияларнинг янги моделларини ишлаб чиқиш. Шу боис тадқиқот жараёнида касб таълими бўйича назарий ва амалий машғулотларни, ихтисослик фанларига оид лаборатория ишларини ва педагогик амалиётни ташкил этиш, битирув малакавий ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида интегратив таълим тамойилларига амал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Педагогик диагностика бўлажак касб таълим ўқитувчисини тайёрлаш жараёни ва унинг ривожланишига алоҳида ёндашувни талаб қилди. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини педагогик ва техник билимлар асосида диагностика қилишда унинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш тақозо этилди. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятга тайёргарлиги бўйича турли ёндошувлар мавжудлигига қарамадан, унинг интеграллашган табиатини, яъни ҳам техник, ҳам педагогик билим ва кўникмаларини, касбий фаолиятга тайёргарлигини диагностика қилиш муаммоси педагогика фанида етарлича тадқиқ этилмагани ўрганилди.

Педагогик диагностика йўналишлари мақсадлари, усуллари, объектлари, вазифалари, функциялари бўйича ўзига хос хусусиятларга эга. Бизнинг тадқиқот ишимизнинг мавзуси мақсади бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик ва техник билимлар интеграцияси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш ва унинг натижасини диагностика қилиш билан боғлиқ бўлганлиги боис, кўриб чиқиладиган муаммоларнинг кенг спектрини маълум даражада чеклаш имконини берди. Шунинг учун касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишнинг моҳияти ва мазмунини аниқлашни биз дидактик диагностика йўналиши сифатида тушундик. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятга тайёргарлигини диагностика қилиш орқали дан асосий мақсад касбий йўналганлик, ўқитиш ва тарбиялаш,

диагностика усулларини такомиллаштиришни асосий мақсад қилиб белгиладик.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятга тайёргарлигини педагогик ва техник билимлар интеграцияси асосида диагностика қилишнинг истиқболли йўналишлари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди: диагностик мезонлар ва педагогик воситаларни интеграциялаш асосида уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолияти тузилмаси элементлари (мантиқийлик, инновационлик ва ўз-ўзини бошқариш) мазмунини такомиллаштириш.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолиятга тайёргарлигини инновацион технологиялар (лойиҳалаш, портфолио, муаммоли изланиш усуллари) асосида диагностика қилишни назарда тутувчи педагогик ва техник билимлар интеграцияси тузилмаси элементлари (омиллар, компонентлар, воситалар, функциялар, даражалар) асосланди.

Интегратив билимлар асосида касбий тайёрлаш ва натижасини таълимдаги тенденцияларга таяниб диагностика қилиш жараёнининг мазмуни, босқичлари, воситалари, даражаларини ишлаб чиқиш ҳамда асослаш масаласи долзарб педагогик вазифалардан ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграциясини амалга ошириш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида техника олий таълим муассасаларида интегратив ёндашувни таъминлаш муаммолари, фанлараро интеграция – касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилиш асоси эканлиги, педагогик ва техник билимлар асосида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни ривожлантириш механизми ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси олий таълим концепцияси»да олий таълимни ташкилий ва мазмун жиҳатдан такомиллаштириш назарда тутилган. Бу эса таълим мазмунини интеграциялаш, илм-фан услубларини олий таълим шарт-шароитларига мослаштиришни тақозо этади. Таълимдаги тизимлилик ва кетма-кетликни, турли ўқув фанларига оид тушунча, қонун ва назарияларнинг ўзаро боғлиқ таъсирчан омили сифатида талқин этиш лозим, чунки фанларнинг интеграциялашуви умумлашган билимларни шакллантириш, улар мазмунини чуқурлаштириш ва бойитиш имконини беради.

Таълим жараёнини интегратив ташкил этиш (ёки интеграция таъсири) натижасида талабалар онгида йўналтирувчи фаолиятнинг асослари ҳақида тушунча «пайдо бўлади», улар мантиқий ва образли фикрлашга ўрганадилар. Талабаларнинг ўқув фанларини оддий шаклда ўрганишда олган билимлари вақт жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлади, яъни улар турли вақтларда ўрганилади. Интегратив таълим шароитида эса улар билим ва фаолият

усулларининг турли тизимлари доирасида йўналиш ола биладилар. Шундай қилиб, таълим жараёнини интегратив асосда ташкил этиш миянинг ўнг ва чап шарларини «тенг ҳолда» ишга тушириш, ўқув жараёнида мантиқий ва образли фикрлаш, фаолиятнинг рационал ва эмоционал соҳасини қамраб олишга, уларнинг бирлигини таъминлашга имкон беради.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, таълим мазмуни интеграцияси шартлари борасида турли қарашлар мавжуд. Аммо, бизнинг назаримизда, умумий нуқтаи назардан қараганда, улар бир-бирларига зид эмас, аксинча бир-бирларини мазмунан тўлдирадилар. Айрим йўналишлар бўйича олимларнинг нуқтаи назари яқин эканлигини эътироф этиш лозим. Масалан, «тадқиқот объектлари бир-бирига мос келиши ёки мазмунан етарлича яқин бўлиши керак», «ўқув фанлари интеграциясида бир хил ёки бир-бирига мазмунан яқин бўлган тадқиқот методларидан фойдаланилади» шартлари маъноси жиҳатидан қуйидаги шартга анча мос келади: «интеграция компонентлари маълум туташиш нуқталарига, «қардошлик» даражасига эга бўлиши керак». Ифодалашлардаги фарқларга қарамадан, биз юқорида санаб ўтилган шартлар учун умумий ҳисобланган белгини кўрамиз. Бу – интеграллашадиган компонентларнинг мазмуний яқинлигидир.

